



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 2 МАЙ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 шолдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 71 (13.918)

Баҳоси эркин нарҳда

ХАЛҚИМИЗ ЭРТАСИДАН ЭМАС, БУГУНИДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 30 апрель – 1 май кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Термиз шаҳрида халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган сессияда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, нурунийлар, тадбиркорлар, фермерлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сессияни очиб мулоқот тарзида ўтказишни тақдир қилди.

– Ҳақиқий аҳволни гапирган одам бизга дўст. Учрашувимиз ҳамма масалаларни жой-жойига қўйиб бўйча фойдали бўлсин, – деди давлатимиз раҳбари.

Фойдали қазилмаларга бой, табиий иқлим шароити йилга уч мартагача ҳосил олиш имконини бердиган аҳолиси меҳнатсевар Сурхондарё вилояти саноатнинг ҳали ўндан бири ҳам ишга солинмагани қайд этилди. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот мамлакатимиз кўрсаткичидан 2,3 баробар, хизмат кўрсатиш 2 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш 8 баробар кам экани кўрсатиб ўтилди. Вилоятда иқтисодий фаол аҳолининг 10 фоизи ишсиз, тоза ичимлик суви билан таъминланш даражаси 54 фоиз экани танқид қилинди.

Шу каби масалаларни ҳал этиш, вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида 2019-2020 йиллар учун умумий қиймати 23 триллион 632 миллиард сўмлик 649 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган. 2,2 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, 11,5 минг иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Сурхондарёнинг ўзига хос хусусияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда замонавий корхоналар ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли ва маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш, ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилояти ҳокимининг иқтисодий ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Тўра Боболов номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия қилди.

Тўра Боболов 1970 йилда туғилган. Меҳнат фаолиятини Давлат мулк қўмитаси вилоят бошқармасида ҳисобчиликдан бошлаган. Кейинчалик Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, вилоят ҳокимлигида

ҳудудларни комплекс ривожлантириш бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Халқ депутатлари Тўра Боболов номзодини маъмулотида ва у Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз Термиз шаҳридаги тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "ZIF TEXTILE" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Ушбу замонавий корхонани барпо этиш учун 2017 йили Термиз темирйўл шифохонасининг қурилиши тугалланмаган тўрт қаватли биноси лойиҳа ташаббускорларига 16 миллиард сўм инвестиция киритиш шарти билан "ноль" харид қийматида берилган эди. Ўтган қисқа вақтда мазкур ишнинг тайёр бўлиши қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Тикув цехлари, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар бунёд этилди. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилди. Германия, Италия, Туркиядан замонавий тикувчилик дастгоҳлари келтириб ўрнатилди.

Йирик лойиҳани ишга тушириш учун 16,6 миллион доллар сарфланди. Унинг 10 миллион доллари тижорат банкининг кредит маблағидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонада бўлиб, тикувчилик маҳсулотларини кўздан кечирди, ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашди.

Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хомашёсини қайта ишлашни, тайёр маҳсулот экспортини кенгайтириш зарурлигини қайд этди.

Лойиҳа ишга туширилиши билан 1000 та иш ўрни яратилди. Корхона жорий йилда 29,4 миллион доллар қийматидаги болалар ва катталар кийими, жинси шим каби тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва 8,8 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Келаси йили бу ерда 38,2 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва унинг қарийб ярми чет эллик буюртмачиларга етказиб берилади. Шу тариқа 2021 йилда корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 49,6 миллион долларга етади, йилга 34,7 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбарига Термиз шаҳридаги "Nova pharm" Ўзбекистон – Ҳиндистон фармацевтика қўшма корхонаси, Термиз шаҳрининг бош режаси, Термиз туманидаги Султон Саодат зиёратгоҳини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш, шунингдек, вилоятга инвестиция киритишга масъул этиб белгиланган мам-

лакатимизнинг Австрия, Тожикистон, Япония ва Афғонистондаги дипломатик ваколатхоналари кўмагида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Шу ерда "Киномобиль" – Ўзбекистондаги биринчи инновацион кинотеатр лойиҳаси тақдироти ўтказилди. MAN автомобилга ўрнатилган мобил кинотеатр вентиляция, иситиш-совутиш тизими билан жиҳозланган. Томошабинлар фильмларни 2D ҳамда 3D форматда кўриши мумкин.

Инновацион мобил кинотеатрни ишга тушириш учун 30 дақиқа кифоя қилади. Кўчма кинотеатр 80 томошабинга мўлжалланган. Ушбу лойиҳа юртимизнинг олис ва чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмир-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маданияти ва маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати ёшлар мазкур мобил кинотеатрда "Экрандаги китоб" (экранлаштирилган бадиий асарлар) туркумида сеvimли фильмларни кўриш, жаҳон ва ўзбек адабиёти намояндаси ҳаёти ҳамда асарлари билан танишиш, китоб ва фильм муаллифлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу инновацион лойиҳа Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусга ҳам-оҳангдир. Яъни, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг мутолаага меҳрини оширишга хизмат қилади.

"Cinema Servis" масъулияти чекланган жамияти бу лойиҳани Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Президентимизга мамлакатимиз ҳудудларида замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этиш лойиҳаси тўғрисида ҳам маълумот берилди. Кўни кеча премьераси ўтказилган "Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий" ҳужжатли фильми намойиш этилди. Бу фильм Сурхондарёликларга Рамазон ойи тўхфаси сифатида вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам яна ўн кун намойиш этилиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларда замонавий кинотеатрлар тармоғини қуриш лойиҳасини ўз вақтида ва сифатли яқинлаш юзасидан топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи яқунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Тобора ривожланиб, чирой очиб бораётган жонажон Ватанимизда миллий ва диний қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборни янада мустаҳкамлаш, эл-юртимиз учун азалдан эзгулик, саховат, меҳр-мурувват рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойини муносиб ўтказиш, ушбу ойда ислом динининг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғоялари ҳамда инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида:

1. 2019 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 6 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини миллий аънава ва қадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин. Бунда:

жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашига даъват этадиган ҳамда улғайиб келаётган ёш авлодини она Ватанга садоқат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган **маърифий тадбирлар ва тарғибот ишларини ташкил этишга;**

мурувват, аҳиллик ва ҳамжихатликни улуғловчи ушбу фазилатли ойда эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиларимизнинг зийратгоҳларини, қабростларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 май

Франция ва Кореянинг бизнес доира вакилларида иборат делегацияси ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

ФРАНЦИЯ – КОРЕЯ КОМПАНИЯЛАРИ БИЗНЕС МИССИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ташриф доирасида 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида бизнес миссия вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида бизнес алоқаларни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, логистика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, нефть-газ, энергетика тармоқларида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда Францияга амалга оширган расмий ташрифи, шунингдек, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг жорий йил апрель ойида мамлакатимизга амалга оширган давлат ташрифи доирасида қатор келишувларга эришилган эди. Мазкур келишувлар Ўзбекистон – Франция ва Ўзбекистон – Жанубий Корея савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадларини ҳам кўзда тутди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари Исроҳон Жасимов Ўзбекистон томони Франция ва Корея ишбилармонлари билан ўзаро манфаатли соҳалар бўйича ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

Бугунги кунда Франция ва Жанубий Корея Ўзбекистонини савдо, саноат, инвестиция ва

техник ҳамкорлик бўйича муҳим шерикларидан саналади. 2018 йилда икки мамлакат капитални иштирокида кўплаб қўшма лойиҳалар амалга оширилди, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Тадбирда иштирок этган Франциянинг Кореядаги "Thales Korea", "DPJ Architect", "Veolia Korea", "Hanwha Total Petrochemicals", "Zueling Pharma", "Naos Korea", "Nexans Korea", "Cs Hospitality" каби йирик компаниялари вакиллари бизнес алоқаларни кенгайтиришда Ўзбекистон қулай манзил эканини қайд этди.

– Ўзбекистон Франциянинг, шу билан бирга, Жанубий Кореянинг ҳам ишончли савдо-иқтисодий шерикларидан, – деди Франциянинг Кореядаги ташқи савдо бўйича маслаҳатчилари ассоциацияси президенти, "Thales Korea" компаниясининг бош ижрочи директори Патрик Дефрану. – Бу каби ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишидан Франциянинг Корея ҳудудида фаолият юритувчи бизнес доира вакиллари ҳам манфаатдор. Ташриф доирасида икки ва уч томонлама ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқиш, Ўзбекистон бозорини яқиндан ўрганишни мақсад қилганми.

Учрашув якунида томонлар савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича янги режаларни белгилашга келишиб олди.

Малоҳат ХУСАНОВА

ЯНГИ ХОНАДОНЛАР КАЛИТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Аҳилбод ва Янги бог маҳаллалари ҳудудида қурилган кўп қаватли уйлардан ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирони бор оилалар, Меҳрибонлик уйи битирувчиларига ажратилган хонадонлар калити ўз эгаларига топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Мухаммадиев ва бошқалар уй эгаларини самимий кутлади.

– Фарзандим биринчи гуруҳ ногирони. Йигирма тўрт йил давомида ижарама-ижара юриб, қийинчиликда яшадик, – дейди хонадон соҳибаларидан бири Назоқат Назарова. – Уй-жой масаласида туман ҳокимиятига муурожаат қилдим. Улар яшаш шароитини ўрганиб, бизга барча уй жиҳозларига эга бўлган бир хонали уйни

имтиёзли шарт асосида ажратди. Бу ислохотлар ортда турган Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдим.

Кўп қаватли уйнинг ертўла қисмида тикув цехи, мўъжаз кутубхона ва спорт жиҳозлари жойлашган майдонча ҳам бор.

– Ўн йилдан буён тикувчилик билан шуғулланамиз. Фаолиятимизни кенгайтириб бораёلمиз. – дейди "Himoya Kiyim" МЧЖ раҳбари Равшан Зокиров. – Бугун бу ерда янги цехимизни очишдан мақсад шу уйда яшовчи хотин-қизларни иш билан таъминлаш. Цехимиз-

да жами 25 иш ўрни яратилди.

Хонадон калитлари ва сертификатлари ни қабул қилиб олган уй эгаларининг қувончи чексиз. Кимдир калитни қўлга олганча рақсга тушса, кимдир қувонч ва шукроналик кўз ёшларини секин артади. Мана шундай йиллар давомида уйсизликдан қийналган, бугун қувончдан тинимсиз кўз ёш тўққан янги уй эгаларидан бирининг фикрлари билан қизиқдик.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



– Уч фарзандим бор, бир ўғлим ногирон, – дейди Сайёра Раҳимова. – Ўн олти йилдан буён уйсиз эдим, мана бугун уч хонали уйга эга бўлдим. Ҳамма шароитлари бор, барчаси учун миннатдорлик билдираман.

Инобат АҲАТОВА,
ЎЗА МУХБИРИ



МАМЛАКАТИМИЗДА

- Зомин тумани Даштобод шаҳрида "Навбахор" мактабгача таълим муассасаси 140 ўринли янги бинога эга бўлди. Дастурга мувофиқ, давлат бюджети ҳисобидан 3 миллиард 915 миллион сўмлик реконструкция ишлари бажарилган янги бино барча қулайликка эга. Реконструкция давомида қўшимча 6 та ёзги айвонча, мусика хонаси қурилди. Айни пайтда муассасада 3 та катта, 2 та кичик ва битта тайёрлов гуруҳида болалар тарбияланмоқда.
- Андижон вилояти Избоскан туманидаги 26-

умумтаълим мактабида АҚШнинг машҳур "Harlem Globetrotters" баскетбол жамоаси аъзолари томонидан қизикарли баскетбол ўйинлари ҳамда маҳорат дарси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан АҚШнинг мамлакатимиздаги элчixonаси ҳамкорлигида ўтказилаётган ёшлар ўртасида баскетбол бўйича ўқув ўйинлари ҳамда мактабларда зўравонликка қарши "Т.Е.А.М, Up at School" дастури асосида маҳорат дарси ва семинар-тренинглар андижонлик ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

• Ургут тумани марказидаги истироҳат боғида 3 миллиард 600 миллион сўм маблағ сарфланиб, икки қаватли, барча қулайликларга эга ахборот-ресурс маркази биноси қад ростлади. Бинода 20 га яқин мутолаа зали, 4 та муҳокама ва компьютер хоналари мавжуд. Кутубхона 2000 дан ортиқ бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар билан таъминланди. Шунингдек, маърифат масканида 50 та замонавий компьютер, тезкор Wi-Fi тармоғи йўлга қўйилган бўлиб, 2000 та адабиётнинг электрон нусхаси шакллантирилган.

ЖАҲОНДА

• Кеча Япония ҳаётидаги унутилмас воқеалардан бири рўй берди – янги император Нарухитонинг тахтга ўтириш маросими бўлиб ўтди. Япония тарихидаги 126-император мамлакат конституциясидан келиб чиққан ҳолда қасамёд қилди. Бундай улкан сиёсий воқеа муносабати билан кунчиқар мамлакатда ўн кунлик дам олиш эълон қилинди.

• Баҳор ва меҳнаткашларнинг бирдамлиги байрами – 1 май Франция пойтахти Парижда катта ноҳушликларни келтириб чиқарди. "Сарик нимчали"лар ва сўл радикалларнинг норозилик намойишига айланиб кетган ушбу тадбир давомида полиция билан тўқнашувлар юз берди, тартибсизликлар пайтда кўплаб машиналар ағдариб ташланди. Натижада ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланишга мажбур бўлишди, ўнлаб намойишчилар хибсга олинди.

Пойтахтимиздаги Хотира майдони. Йилнинг қай фасли бўлмасин, бу муаззам маскан ҳаминша гавжум. Майдон 1999 йилда барпо этилган, демакки, унинг барпо этилганига бу йил роппа-роса йигирма йил тўлди.

Аслида барчамиз хотира билан тиримиз. Инсоннинг инсонлиги, ўзлигини сақлаб қолиши, маънавий таъинчи, руҳиятидаги устунлик ҳам хотира билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу майдон ёшларни ватанпарварлик, юрт тақдири учун дахлдорлик, ёши улугларга ҳурмат, фаровон ҳаётимиз учун шукроналик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Файзли, бироз маҳзун кайфият ҳукм сурувчи ушбу маскандаги Мотамсаро она ҳайкали пойи мудом гулларга тўлган. Бу Иккинчи жаҳон урушида дилбандан жудо бўлган, бироқ иродаси, матонати буқилмаган миллионлаб оналарга чуқур ҳурмат ва эҳтиромнинг ўзига хос ифодаси. Мана мангу олов. Ватан озодлиги, бугунги тинч ва осойишта кунларимиз, мусаффо осмонимиз учун жонини фидо этган неча минглаб ўзбекистонликларнинг ёдига бўлган эҳтиромнинг тимсоли. Бу ерда шунчаки сайр этмайди. Уруш оловини, фашизм балосини инсонга ато этилувчи бир марталик имконият – ўз умри, ҳаёти эвазига даф этганлар хотирасига чексиз эҳтиром билдиради.

Ватан мустақиллиги, унинг ҳур ва озодлиги йўлида жон фидо этган ҳамюртларимизнинг хотирасини эъзозлаш, уруш қатнашчилари ва фронт орти фахрийларига ҳурмат кўрсатиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Айни эътибор уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар тарбиясида кенг фойдаланиш каби жиҳатларда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Нурунотин саломатлигини асраш, уларга ҳамжўрлик кўрсатиш, кўнглини кўтариш доимий эътиборда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 апрельдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш

тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори инсон, унинг хотираси, шаъни, қадр-қимматини улуглаш борасидаги эзгу ишларнинг амалий ифодасидир.

Кум-кўк майсалардан гулган ёзилган, анвойи гулларга бурканган майдон эса ўғил-қизларни болалик давриданок ҳаёт, унинг мазмуни, аждодларнинг мангу жасорати ҳақида теран фикр юритишга, борлиққа ҳавойи, енгил-елпи нигоҳ билан эмас, реал назар солишга ундаши билан катта тарбиявий аҳамиятга эга.

– Қачон Тошкентга келсак, албатта, шу мўътабар масканни зиёрат эт-

нинг 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан уларни моддий рағбатлантиришга доир эзгу таъаббуси умрини Ватан озодлиги, истиклоли йўлида тиккан ота-боболаримизга бўлган ҳурматнинг амалий ифодасидир. Шу кунларда бутун халқимиз Юртбошимизнинг умри зиёда бўлсин, деб янада кўпроқ дуо қилмоқда. Бундай эзгу ва савобли саъй-ҳаракатлардан ўтганларнинг ҳам руҳи шод бўлиши, шубҳасиз. Бу азиз маскан ҳар бир одамни ҳаётнинг, яқинларимизнинг, бахтиёр кунларимизнинг қадрига етишга ундаши билан, аждодлар жасорати, улар хотираси олдида ҳаминша бурчдор эканимизни барчамизга эслатиб туриши билан қадрлидир.

– Уруш келтирган офатлардан жабр кўриб, бобом ва бувим айнан Ўзбекистондан бошпана топган эрдан, – дейди Никита Ровинец. – Уларнинг айтишича, ўша мудҳиш йилларда миллионлаб одамларнинг тақдири ҳар томонга тарқайди сочилиб кетган. Бугун бизга жонажон Ватан бўлган Ўзбекистон урушнинг оғир йилларида қанча-қанча гўдакларга, ҳаёти пароканда оилаларга бошпана берди. Бизнинг хонадон ҳам шу беминнат, самимий ва илиқ меҳрдан баҳра олиб, тирик қолди. Унди, кўкарди. Ўзбекларнинг бағрикенглиги, саховати, меҳр-мурувати, меҳридорлиги дунёга маълум ва машҳур. Буни Ўзбекистондан меҳр кўрган инсон борки, бари доим миннатдорлик билан ёдда сақлайди. Назаримда, Хотира майдонига келган борки, бу гўшага қалб амри билан қадам бўйди. Ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтиради. Тинчликни, фаровонликни, тирикликни, яқинларини доим қадрлаш зарурлигини шу ердан ўрганади.

Дарҳақиқат, бу шунчаки Хотира майдони эмас. Боболар руҳи эъзозланган, уларнинг ёди мангу ардоқда бўлган мўътабар гўша. Маънавият ва тарбия, эзгуликка йўлнинг муқаддас маскан ҳамдир.

Назокат УСМОНОВА

9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини

Мўътабар маскан



донга келган айрим юртдошларимизни суҳбатга чорлаймиз.

– Биз бу муқаддас масканга тез-тез келиб тураемиз, – дейди ўзбекистонликларнинг ёдига бўлган эҳтиромнинг тимсоли. Бу ерда шунчаки сайр этмайди. Уруш оловини, фашизм балосини инсонга ато этилувчи бир марталик имконият – ўз умри, ҳаёти эвазига даф этганлар хотирасига чексиз эҳтиром билдиради.

масдан уйга қайтмаймиз, – дейди хоразмлик онахон Гавҳар Отажонов. – Маҳалламиздаги нуруний онахонлар, аёллар, қизлар билан биргаликда баҳор фаслида Тошкентга келишни анъанага айлантирганмиз. Урушда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг азиз хотирасига Куръон тиловат қиламиз. Одамни бир лаҳза бўлса-да бефарқ қўймайдиган ушбу маскан ҳар қандай иродаси метин одамнинг қалбини ҳаяжонга солади. Кўзларига ёш келтиради. Ҳаётнинг ўз бешафқат қонуниятлари бор. Юртимизда булун уруш қатнашчиларининг сафи йил сайин камайиб бормоқда. Бироқ давлатимиз раҳбари-

Фуқаролар йиғини раислигига сайловлар бошланди

МУНОСИБ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРИШДИ

Хабар берилганидек, пойтахтимизнинг барча туманларида маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла раиси (оқсоқоли) сайловлари бошланди.

Жумладан, Миробод туманидаги 154-умумий ўрта таълим мактабида "Корасув" маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлов бўлиб ўтди. "Корасув" маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳолиси 3754 нафарни ташкил этиб, шундан сайловчилар сони 2570 нафардан иборат. Жамият ҳаётидаги муҳим жараён – сайловда 315 нафар вакиллар иштирок этишди.

Мазкур маҳалла раислигига учта номзод кўрсатилди. Комиссия раиси ҳар уч номзоднинг тарихини, фаолиятини қисқача тўхтади. Шундан сўнг номзодларнинг мақсади ва режалари эшитилди.

Маҳалла раислигига сайлов амалдаги қонунчилик мезо-ларига тўлиқ риоя этилган ҳолда ташкиллаштирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аҳоли ўзлари маълум деб билган номзодга овоз берди.

Сайлов натижаларига кўра, "Корасув" маҳалла фуқаролар йиғини раислигига кўпчилик овози билан Комил Одилов сайланди. Бўлиб ўтган сайлов ҳақида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Миробод туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мақсуд Ботиров кўйидагиларни сўзлаб берди: – Миробод туманида 39 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси бугунги кунда маҳалла раислари сайловида шай турибди. Маҳаллаларимизда турли миллат вакиллари бир оиладек аҳил ва иноқ яшаши. Маҳалла раисларининг мавқеини ошириш юзасидан давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ишларни биз доим қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз. Мана, 1 майдон оқсоқолларнинг ойлик маош-

лари ҳам оширилди. Бу эса барчамизни бирдек қувонтирди. Биз бугун пойтахт туманлари ичида биринчилардан бўлиб, "Корасув" МФЙ раислигига муқобиллик асосида учта номзоддан иборат вакиллар билан сайловни ташкил этдик. Бу жараён очик ва шаффоф тарзда бўлиб ўтди. Бирорта ҳам шикоятга ўрин қолмади. Сайловга келган фуқаролар учун бу ерда барча шароитлар яратилди, жумладан, ҳаваскор санъаткорларнинг чиқишлари ҳам уларнинг кайфиятига кўтаринкилик бағишлади. Бу каби ишлар туманимиздаги барча сайлов участкаларида бекаму кўст тарзда амалга оширилган. Сайловчилар учун барча зарур маълумотлар ва бошқа янгилликлар тақдим этилган. Бу эса демократик ҳуқуқий давлатнинг қўйи бўғинида олиб борилаётган улкан ишларнинг дебочасидир. (Ўз мухбиримиз)

САЙЛОВ АВВАЛГИЛАРИДАН ФАРҚ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонуни маҳалла ҳаёти, фаолиятига оид мезонларни белгилаб берди. Ушбу қонун шарҳча, қишлоқ, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Жорий йилнинг май ойида мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови бўлиб ўтиши белгиланган.

Журналистлар пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Журхоний маҳалласидаги сайлов жараёнларини кузатишди. Маҳаллада тўрт ярим мингга яқин фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг орасидан сайланган 300 нафар вакил сайловда қатнашди.

Аваллари, маҳалла фаоллари, кўчабошиларининг кенгаши бўлиб, унда очик овоз бериш йўли билан сайлов ўтказиларди. Эндиликда ҳамма ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, яшрин овоз бериши ва бу шаффоқликни таъминлашга ҳизмат қилади.

– Учтепа туманида 60 маҳалла фуқаролар йиғини бор, – дейди Учтепа тумани маҳалла сайловига қўмақлашувчи комиссия раиси Жамшид Каримов. – Бугун шулардан Богичинор, Учтепа, Журхоний маҳаллаларининг оқсоқоллари сайланди. Бу йилги сайловлар аввалги

сайловлардан фарқли бўладими, деган савол туғилиши табиий. Қонунга мувофиқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) икки ярим йил эмас, эндиликда уч йилга сайланди. Шунингдек, раис яшарин овоз бериш йўли билан аниқланади, ашайидган ҳудудда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг камиди 12 фоизи сайловда иштирок этиши шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 2 апрелдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан энди маҳалла раисларининг ойлик маоши икки барабар ошди. Шунингдек, уларга юклатилган 154 та вазифа қайтадан кўриб чиқилиб, тузатиш ва қисқартириш киритилиши айтилди.

Журхоний маҳалласида ҳам номзодлар яшарин овоз бериш йўли билан аниқланди. Раисликка номзоди кўрсатилган Аҳмад Алиев, Шўррат Сатторов, Бахтинур Саидов орасидан энг кўп овоз олган, шу вақтгача маҳалла раиси лавозимида ишлаб келган Бахтинур Саидов ушбу маҳалланинг раиси этиб қайта сайланди. Пойтахтимиздаги Бектемир, Мирзо Улугбек, Олмазор, Учтепа, Чилонзор, Яшнобод, Миробод, Сергели, Яқсақарой туманларида 25 маҳаллада сайловлар бўлиб ўтди. Барно МЕЛИКУЛОВА

Халқаро бизнес марказида Интеллектуал мулк агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда "Tashkent Law Spring" халқаро юридик форуми доирасида интеллектуал мулк масалаларига бағишланган сессия ўтказилди.

АҚЛ ВА ИДРОКНИ УЛУҒЛАБ

Халқаро интеллектуал мулк кунига бағишлаб ташкил этилган тадбирда Агентлик мутахассислари, патент вакиллари, Давлат солиқ қўмитаси ҳуқуқшунослари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарига қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси мутасаддилари иштирок этишди.

Сессия ишида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари бўлими бошлиғи Илья Грибков, Россия Давлат Интеллектуал мулк академияси ректори Иван Блинец, Молдова давлат университети профессори Дориан Кироска, Мюнхен шаҳрининг округ суди судьяси Оливер Шон, Халқаро мулк ҳуқуқлари альянсининг ижрочи директори Лоренцо Монтанари (АҚШ) ва Контрафактга қарши кураш бўйича ижтимоий ва ҳуқуқий масалалар Ассоциацияси директори Дэвид Сауссинан (Италия) ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Улар интеллектуал мулкка оид миллий стратегия, муаллифлик ҳуқуқининг халқаро-ҳуқуқий бошқарилиши, муаллифлик ҳуқуқи соҳасига оид кўп тарафлима конвенциялар, товар белгисини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва контрафакт маҳсулотларга қарши кураш ҳақида ба- тафсил ва қизиқарли маълумотлар беришди.

Сессия якунида 2019 йилнинг бошида республикамизда эълон қилинган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (БИМТ) "Ихтирочилик учун" медали ва "Интеллектуал мулк соҳасида фаолият юритувчи энг яхши ташкилот" мукофотлари ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан эълон қилинган энг яхши интеллектуал мулк объекти лари учун "BEST IP – 2019" танловини номинациялари қўйилгани тақдирлаш маросими ўтказилди.

БИМТ томонидан таъсис этилган ушбу мукофотлар олий категорияли махсус мукофотлар бўлиб, бутун дунёда ихтирочилик, ижодкорлик ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, уларнинг имижини яратиш ва интеллектуал мулкдан ўз фаолиятида эффе-

тив фойдаланувчи миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш максатиде таъсис қилинган. Танловга келиб тушган аризалар Интеллектуал мулк агентлиги ва республикамиз вазирликлари вакилларидан ташкил топган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилиб, голиблар аниқланди ва БИМТ билан келишилди.

БИМТнинг "Ихтирочилик учун" медалига Тошкент тўқимачилик ва энгил санаят институти профессори, техника фанлари доктори Анвар Жўраев муносиб деб топилди. А.Жўраев 274 та ихтиро ва фойдала моделлар патентни муаллифи ҳисобланади. "Интеллектуал мулк соҳасида фаолият юритаётган энг яхши ташкилот" мукофотида эса академик С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти сазовор бўлди.

Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ташкил этилган "Best IP – 2019" энг яхши интеллектуал мулк объекти лари учун ўтказилган танловга 100 яқин талабнома қабул қилинди. Танлов ўтказиш ва голибларни аниқлаш учун Интеллектуал мулк агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Фанлар академияси, Савдо-санаят палатаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги мутахассисларидан иборат танлов ташкилий қўмитаси ҳамда интеллектуал мулк объектилари бўйича комиссия ташкил қилинди.

Танлов комиссияси ва ташкилий қўмита томонидан "Best IP – 2019" энг яхши интеллектуал мулк объектилари бўйича танлов голиблари деб қуйидагилар топилдилар:

2019 йилнинг "Энг яхши ихтиро" номинацияси бўйича 1-ўринни Наманган муҳандислик курилиш институти.

2019 йилнинг "Энг яхши фойдала модели" номинацияси бўйича 1-ўринни "Industrial technological lines" МЧЖ, 2019 йилнинг "Энг яхши санаят намунаси" номинацияси бўйича эса 1-ўринни "Sovplastilast" акциядорлик жамияти қўлга киритди.

"Ёшлар ўртасидаги энг яхши ЭҲМ дастурловчиси" номинацияси бўйича биринчи ўринга "Блокчейн тизими орқали талабалар билимини баҳолаш" дастури муаллифи Бахтиёр Ёқубов сазовор бўлди.

Х.УБАЙДУЛЛАЕВ

"USENET – 2019" ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Жорий йилнинг 16 май кунини "International hotel Tashkent" меҳмонхонасида онлайн-маркетинг ҳамда интернетда товар ва хизматлар савдосини ривожлантиришга бағишланган "Usenet" халқаро конференцияси бўлиб ўтади.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Beeline" компанияси ва "Ledokol Group" МЧЖ ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Жорий йилги халқаро анжуманда Россиянинг "Mail.ru Group" ва "Яндекс" компаниялари, ivi.ru онлайн-кино-театр вакиллари иштирок этади. Улар интернетда реклама беришининг замонавий усуллари ва ахборот технологиялари лойиҳаларини онлайн тарғиб этиш услублари ҳақида сўзлаб беради.

Онлайн-маркетинг яқинда пайдо бўлган бўлишига қарамай, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги қўллаб қўмани ва корхоналар ундан фаол фойдаланмоқда. Ушбу товар ва хизматларини онлайн-реклама билан беришлари сони йил сайин ортиб бормоқда. Бу бутун бошли санаятнинг шакллантириш, маркетингга нисбатан анъанавий ёндашувларни тубдан ўзгартирмоқда. Натигада мамлакатимиз ишлаб чиқувчилари ўз ресурсларини рағбатлантириш учун реклама ҳисобидан янги маблағларга эга бўлмоқда, UZ домени эса янги порталлар ва сайтлар билан бойиб борган ҳолда ривожланишда давом этмоқда.

"Usenet" конференцияси ушбу санаят янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади. Тадбир ҳар йили ўз атрофида маркетинг ва ахборот технологиялари соҳасидаги қўллаб қўмани мутахассислари бирлаштиради. Масалан, ўтган йили ушбу анжуманга 1200 нафар киши ташриф буюрган.

Айни дамда @usenet2019 телеграм каналда "Usenet – 2019" халқаро анжумани иштирокчилари ва меҳмонларини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилмоқда.

Роман БОНДАРЧУК

"ИНВЕСТИТОР КУНИ" ЎТКАЗИЛДИ

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан Freedom Finance инвестиция компанияси билан ҳамкорликда "Инвестор кунини" онлайн анжумани ташкил этилди.

Илк мартаба ўтказилган "Инвестор кунини"да Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Қўматли қозғалар марказий депозитарийи, Freedom Finance инвестиция компаниясининг Қозғоғистондаги вақолатхонаси вакиллари, хорижий ва маҳаллий инвесторлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда банкнинг 2019 йил I чораги якунлари бўйича молиявий натижаларига бағишланган тақдимот ўтказилди. Шунингдек, банк раҳбарияти ҳамда Freedom Finance компанияси экспертлари томонидан банкнинг жорий фаолияти ҳусусида чиқишлар қилинди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ республика фонд бозорининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Банк акциядорлари 34 400 тадан орткини ташкил этади. 2009 йилдан банк томонидан 5 та корпоратив облигациялар ва 10 та депозит сертификатлари чиқарилиб, республика фонд бозори ривожига ўз ҳиссасини қўшди.

Таъкидланганидек, 2019 йил I чораги якунлари бўйича банк устав капитални йил бошига нисбатан 1,2 баробарга ортиб, 2,1 триллион сўм миқдорда шакллантирилди. Халқаро талабларга мувофиқ, банкнинг асосий кўрсаткичлари, яъни активлари рентабеллиги (ROA) – 1,3 фоиз (йил бошига нисбатан ўсиш 0,4 фоиз), капитал рентабеллиги (ROE) эса 13,0 фоиз (йил бошига нисбатан ўсиш 2,8 фоиз)ни ташкил этди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки Freedom Finance – Марказий Осиёнинг етакчи сармоявий брокери. Компания Ўзбекистонда брокерлик, ишончи бошқарув, андеррайтинг, маркетинг, ўқитиш ва таҳлил қилиш хизматларини кўрсатади. Компания Freedom Holding Corp. халқаро холдинги (АҚШ) тарихига кирди. "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Freedom Finance билан 2018 йилдан бери ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини" Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича "Ўзсаноатқурилишбанк"да тизимли ишлаб амалга оширилмоқда.

Банк капиталлашуви даражасини юксалтириш, халқаро кредит-молия муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтирган ҳолда инвестиция хизматлар жозибадорлигини ошириш, банкмижоз амалиётларини автоматлаштириш, корпоратив миқозларга мўлжалланган инновацион хизматларни қўйиштирилмоқда.

Банкнинг ташкилоти фаолияти дунёнинг турт қитъасидаги 17 та молия институти, энг ривожланган 22 мамлакатнинг экспорт-кредит агентликларини қамраб олмади. Банкда ISO 9001:2015 халқаро стандартнинг талабларига жавоб берадиган сиват менежменти тизими амал қилмоқда ва 2018 йилда Германиянинг нуфузли TÜV компанияси томонидан мувофиқлик сертификати тақдим этилган. Банкка халқаро Fitch Ratings (BB-) агентлиги томонидан берилган рейтинг баҳолари жорий йилнинг январь ойида бир поғона оширилиб, истиқболли "Барқарор" дея таъкидланди.

Зиёда РАСУЛОВА

ҚИСКА САТРЛАРДА

- Дунёда машҳур меҳмонхоналар оператори "RIMS Hotel & Resorts Group" Тошкентдаги бунёдкорлик лойиҳаларида иштирок этади.
- Тошкентдан вилоятларга 8 йўналишда мунтазам автобус қатновлари йўлга қўйилди.
- "Uzavtotrans Service" корпорациясининг "YUTONG" автобуслари қўйилган маҳаллий қатновлар ҳар кунини "Тошкент" автовокзалидан амалга оширилади.
- "Ёшлар пресс-клуби"да "Халқаро оила кунини" муносабати билан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – ВАЗИФАМИЗ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидеги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси билан “Экстремизм ва терроризм – тараққиёт кушандаси” мавзусида давра суҳбати уюштирилди, дея хабар беради Ў.А.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, ИИБ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси масъуллари, партия фаоллари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар, экспертлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда жорий йилнинг 19 март куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, бу борадаги ишлар ижросини таъминлашда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

БМТга аъзо мамлакатлар вакил-

лари Ўзбекистоннинг ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш, жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш, Бош Ассамблеянинг “Маърифат ва диний бағрикенглик”, деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Давра суҳбатида ёшлар орасида экстремистик қарашлар тарқалишига қарши курашиш борасида ёшлар ташкилотлари билан биргаликда соғий партиялар салоҳиятидан ҳам фойдаланиш бўйича ҳамкорлик режалари белгилаб олинди.

Г.БОБОЕВА

Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31,6 фоизга камайди, маҳаллаларнинг 78 фоизиди жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилган ишларни янги босқичини белгилаб берди.

Ички ишлар органлари томонидан шу йўналишда амалга оширилган ишлар ҳақида Ў.А. мухбири Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Пўлат БОБОЖОНОВ билан суҳбатлашди.

– Мазкур қарорга асосан, мамлакатимизда тинчлик ва оқилолликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган янги тизим жорий этилди, – дейди П.Бобоёнов. – Яъни, ҳар бир ҳудудда содир этилган жиноятлар бўйича кунлик тезкор маълумотларни ҳокимликлар томонидан кўриб чиқиш ва уларнинг барвақт олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаш учун тақдим этиб бориладиган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ҳар куни ўзига тегишли ҳудуднинг сутка давомидаги криминал вазияти билан шахсан танишади ва биринчи навбатда ҳудудда содир этилган ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг сабаблари ва шароитларини ўрганиш ҳамда уларнинг салбий оқибатларига барҳам бериш борасида таъсирчан чораларни кўриб, мазкур йўналишда шахсий назорат ўрнатиши йўлга қўйилди.

Республика ҳудудлари жиноятчиликни жиловланган бўйича янги тизим асосида Ички ишлар вазири, Бош прокурори ва Миллий гвардия қўмондонига бириктирилган, улар томонидан кундалик равишда бириктирилган ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, бу борада ҳудудий ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчиликнинг биргаликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш фаолияти йўлга қўйилди.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўра – Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонига – Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига – Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари бириктирилди.

Ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашиларининг мажлисларида ҳисобот даври якунига қўра, жамоат хавфсизлигини таъминлаш натижаларининг таҳлили асосида, ўзига тегишли ҳудудда содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида бевосита иштирок этувчи органлар ва муассасалар томонидан кўрилатган чора-тадбирларнинг аҳоли танқидий кўриб чиқилиши жорий этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жиноятчиликни жиловланган борасида янги тизимга асосан, эндиликда ўзига бириктирилган ҳудудда жиноятчилик камайган, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ўз вақтида кўрган маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва фаоллари, профилактика (катта) инспекторлари ҳамда “Маҳалла посбони” жамоатчилик тизимининг алоҳида ўрнатилган аъзолари мунтазам равишда моддий рағбатлантириб борилади.

Жорий йилнинг 3 ойда 4 мингдан ортиқ ходим рағбатлантирилди. Улардан 3 минг 347 нафарини профилактика инспектори, 405 нафари маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва 101 нафари маҳалла фаоли, 330 нафарини “Маҳалла посбони” жамоатчилик тизимининг аъзоси, 48 нафарини “Фидокор ёшлар” патруллик гуруҳи аъзоси ва 67 нафарини фуқаролар ташкил этди.

Мамлакатимизда тинчлик ва оқилолликни таъминлаш ҳамда жиноятчиликни барвақт жиловланган бўйича янги тизим асосида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 3 ойда республика ҳудудида содир этилган жиноятлар сони 3 минг 43 тага ёки 31,6 фоизга, жиноят қидирув йўналишидаги жиноятлар сони 2 минг 578 тага ёки 40,8 фоизга камайишига эришилди. Шунингдек, 9 минг 22 маҳалладан 7 минг 38 тасида ёки 78 фоизда жиноят содир

этилишига йўл қўйилмади.

– Ёшлар масаласи, уларнинг тарбияси долзарб ҳисобланади. Улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш борасида қандай натижаларга эришилди?

– Ёшларни ва вояга етмаган шахсларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гоҳларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш ички ишлар органлари олдида турган энг муҳим йўналишлардан биридир. Бугунги кунда, ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш долзарб вазифа.

Айниқса, содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти ёшларнинг ҳиссасига тўғри келиши барчамизни ташвишга солиши керак. Бу каби ҳолатларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларни бартараф этиш бўйи-

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ЖИЛОВЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

ча зарур чора-тадбирларни амалга ошириш кечиктириб бўлмайдиган масаладир.

Шу сабабли жорий йилда ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, содир этилаётган жиноятларни маҳаллалар, таълим муассасаларида муҳофама қилиш, тарғибот-ташвиқот тадбирлари кучайтирилиб, ёшлар орасида 48 мингдан ортиқ давра суҳбати ва учрашувлар ўтказилди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ҳамда унинг ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда уюшмаган ёшлар томонидан турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларнинг бандлигини таъминлаш учун қатор тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 221 минг 980 нафар бандлиги таъминланмаган ёшлар касб-хуна ўрганишлари учун ўқитилди. Шунингдек, 29 минг 450 нафари хунамамликка, 31 минг 628 нафари касаначиликка жалб этилиб, 37 минг 856 нафари меҳнат ярмаркалари орқали ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, 21 минг 20 нафар ёшларга “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси доирасида ер ажратилди. 13 минг 437 нафари деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларига жалб қилиниб, “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси орқали 66 минг 475 нафарининг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ишга жойлаштириш, касб-хунарга йўналтириш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ўз-ўзини банд қилиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида барча туман, шаҳарларда “Ёшлар бандлигига қўмақлашиш ҳафталиги” ўтказилди.

Бугунги кунда ҳудудларда жами 9 минг 85 “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патрули гуруҳлари ташкил этилиб, уларга 33 мингдан ортиқ ёшлар аъзоликка қабул қилинди. Улар орасидан ўзини ижобий томондан намоян этиб келаётганларини рағбатлантириш мақсадида профилактика инспекторлари томонидан киритилган қарийб 4 минг тасвирнома асосида 2 минг 358 нафари муддатли ҳарбий хизматга юборилди. 448 нафари ички ишлар органларига хизматга қабул қилинган ҳамда 48 нафари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан бир марталиқ пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида ёшлар (18-30 ёш) жиноятчилиги жорий йилнинг 3 ойда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39,5 фоизга камайишига, жиноят содир этган коллеж ва лицей ўқувчилари сони 59,2 фоизга камайишига эришилди.

– Кўп ҳолларда оддий маиший муаммо ёки оилавий можаро тўғрисида жиноят содир этилиши тез-тез учраётгани сир эмас. Профилактика инспекторлари ҳудуддаги барча оилаларга кириб бора олаётими? Улар билан қандай ишлар олиб борилади?

– Ҳақиқатдан ҳам содир этилаётган аксарият оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар оила-турмуш муносабатлари доирасида юзага келмоқда. Бу каби ҳолат-

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

Судьяларнинг аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилишини бундан икки-уч йил олдин тасаввур қилиш қийин эди. Бундай очқоқлик, албатта, адолат таъминлашида муҳим ўрин тутди.

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлар масъуллари Шайхонтоҳур тумани аҳолиси билан очқоқ мулоқот ўтказди. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раиси Ўткир Холов фуқаролик судлари фаолияти бўйича кенгроқ ахборот бериб ўтди. Қайд этилишича, тизимда одил судловни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

2019 йилнинг биринчи чорагида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманларо судлари томонидан 6 мингдан зиёд фуқаролик иши кўриб чиқилган. Суд бўйирига тартибда 3 минг 337 ариза таомилланган. Туманларо судлар томонидан таомилланган фуқаролик ишларининг 4 мингдан зиёди юзасидан даъво талаблари қаноатлантирилган. Мингга яқини бўйича даъво талабларини қаноатлантириш рад қилинган. 302 фуқаролик иши бўйича иш юритиш тугатилган. 601 фуқаролик иши бўйича даъво аризалари кўрмасдан қолдирилган.

Жорий йилнинг шу даврида Фуқаро-

лик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясида 228 иш кўрилиб, шундан 11,4 фоизда суд қарорлари бекор қилинган ва ўзгартирилган. Кассация инстанциясида 238 та иш кўрилиб, шундан 26,3 фоизи бўйича суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган.

Судлар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш орқали унинг тарбиявий ролинини ошириш, аҳоли билан бевосита мулоқот қилишга ҳам кенг эътибор қаратмоқда. Ҳисобот даврида 2 мингга яқин иш сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган.

Шайхонтоҳурликлар судлар фаолиятига оид шу каби маълумотлар билан танишиш баробарида ўзларини қизиқтирган саволлар билан суд вакилларига мурожаат қилди. Шу ёрнинг ўзига халқ қилиниши зарур бўлган 12 мурожаат тушди. Уй-жой, тадбиркорлик ва бошқа ижтимоий муаммолар билан боғлиқ мурожаатлар чуқур ўрганиш талаб қиладиган масалалар бўлгани учун иш юритишга қабул қилинди.

**Муаттар РҮЗИБОЕВА,
Ў.А.**

ларнинг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2019 йил 20 февралдан 20 мартга қадар кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда “Турмуш” махсус профилактик тадбири ўтказилди. Мазкур тадбирда ички ишлар ходимлари ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳамда фуқаролик жамияти институти вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган оилалар ўрганилиб, муаммолар бартараф этилди. Соғлом турмуш тарзига қайтган оилалар ички ишлар органлари профилактик ҳисобидан чиқарилди.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этганиги учун ички ишлар органларининг профилактик ҳисобидида турган шахсларнинг 2 мингдан ортиғига моддий ёрдам кўрсатилиб, 1 минг 746 нафарининг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллаларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган оилалар ўрганилди. Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарор бўлишига эришиш мақсадида мутасадди идоралар вакиллари ва фаоллар билан ҳамкорликда маҳаллаларда муҳокамалар ўтказилди.

Профилактика инспекторлари маҳаллалардаги “Ярашарис коҳалларда”га муҳофама қилиш учун 8 минг 285 хужжат тақдим этган бўлса, натижада 5 мингдан ортиқ оиладаги нотинчликка бар-ҳам берилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган қотиллик жинояти 41 тадан 34 тага, қасддан баданга енгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш жинояти 127 тадан 74 тага камайишига эришилди.

– Йўлларда хавфсизликни таъминлаш ишлари қай аҳволда?

– Жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Шу йилнинг биринчи чорагида қарийб 1,5 миллионга яқин йўл ҳаракати қоидабузарлиги аниқланди. Улар орасида 9,5 мингдан ортиқ маст ҳайдовчи, 100 мингдан зиёд қоидабузар пиеда бор.

Шунингдек, умумфойдаланишда бўлган автомобиль йўлларини, темир йўл кесимларини, сунъий иншоотларни ва ички хўжалик йўлларини сақлаш, транспорт воситалари ва пиедаларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Автомобиль йўллари ва шаҳар кўчаларида йўл белгилари ўрнатилди, эскирган йўл белгилари янгисига алмаштирилди. Таҳлил асосида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг 21 жойида йўл-транспорт ҳодисаси ўчоқлари аниқланди, улардан 14 таси бартараф этилди.

Қорхона ва ташкилотлар, автохўжаликларда, мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида ва маҳаллаларда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида суҳбат ва йиғилишлар ўтказилди.

Бундан ташқари, транспорт воситалари серқатнов бўлган умумфойдаланув автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қатнашчиларини хушёрлик ва сергалликка чақирувчи 3 минг 247 донна панно ва шюрлар ўрнатилди ҳамда 39 минг 692 донна буклет ва эслатмалар тарқатилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 3 ойда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан умумий йўл-транспорт ҳодисалари 25,3 фоизга, унда ҳалок бўлганлар сони 14,7 фоизга, жароҳатланганлар сони 27,7 фоизга камайишига эришилди.

Шунингдек, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари сони 29 фоизга, ҳайдовчилар айби билан содир этилган ЙТХ 29,9 фоизга, маст ҳолдаги ҳайдовчилар айби билан содир этилган ЙТХ 33,3 фоизга, пиедалар иштирокидаги ЙТХ 33,1 фоизга камайди.

Ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ соҳа ва тизимларда юқорида қайд этилганидек муайян кўрсаткичларга эришилмоқда. Лекин амалга оширилган ишлар ҳали кўп. Бу борада биз, албатта, кенг жамоатчиликка, халқимизга суянамиз. Жиноят ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан бар биримиз мурасасиз бўлсак, жамият муҳити соғломлашиб ва барқарорлашиб бораверади.

**Н.АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди**

Маданият

ТОШКЕНТ БАҲОРИ

Айни кунларда пойтахтимизда “Тошкент баҳори” V халқаро опера ва балет фестивали қизгин давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва вазирлик ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур ижодий лойиҳада балет ва хореография санъатининг энг ёрқин намуналари намойиш этилмоқда.

“Тошкент баҳори” халқаро фестивали доирасида бир қанча ракс жамоалари ўзларининг нафис ва сеҳрли ракс санъатининг нозик қирраларини томошабинларга хавола этмоқдалар.

Айниқса “Тумор” ракс ансамблининг Фарғона, Бухоро ва Хоразм ракс мактаблари аъзоларини ривожлантириб ва янада сайқаллаштириб ижро этишлари санъат ихлосмандларининг олқишларига сазовор бўлди.

2017 йилдан бери фаолият юритиб келаётган ушбу жамоа Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри таркибидида фаолият юритиб келмоқда. Унинг репертуарида мумтоз ва миллий рақслар гундастаси билан бирга дунё халқлари рақсларининг энг сара намуналари ўрин олган.

Фестиваль доирасида Тошкент давлат миллий ракс ва хореография олий мактаби ёшларининг ҳисобот концерти ҳам, томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

НАВБАҲОР НАВОЛАРИ

“Туркистон” саройида ўтказилган “Навбаҳор” ашула ва ракс ансамблининг ҳисобот концерти ҳам томошабинлар ва мухлисларга бирдаш манзур бўлди.

Ушбу бадиий жамоа Ўзбекистон давлат филармонияси таркибидида энг ёш жамоалардан ҳисобланиб, 2014 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Жамоада 30 га яқин иқтидорли ижодкорлар фаолият олиб боради.

Жамоа ўзбек миллий қўшиқ ва ракс намуналарини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш билан бирга ўзларининг муносиқ чизиқлари билан ҳам халқимиз кўнгилдан муносиқ жой эгаллаган. Улар ўзларининг дастурларини хорижий давлатларда ҳам намойиш этиб миллий санъатимиз нуфузини оширишда ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда.

Концерт дастурини она Ватанимизни, меҳнаткаш халқимизни ва гўзал қадриятларимизни тараннум этган қўшиқлар янгради.

АДИБНИНГ АДАБИЁТГА ҚЎШГАН МУНОСИБ ҲИССАСИ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Абдулла Қодирий адабий мероси ва ҳозирги ўзбек адабиёти” мавзусида илмий-амалий анжуман Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Анжумани филология фанлари доктори Бахтиёр Абдушуқуров кириш сўзи билан очиб берар экан, унинг ёрқин ҳаёти ва яратган бой адабий меросининг маънавий-маърифий аҳамияти ҳамда ёшлар ҳаётида тутган ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, тадбирда академик Бахтиёр Назаров “Абдулла Қодирий ҳикояларида яширилган бадиёт”, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов “Ўтган кунлар хайрати”, филология фанлари доктори Баҳодир Каримов эса “Ўтган кунлар илдиши” мавзуларида маъруза қилдилар.

Анжуманда ўзбек романчилигида ўзига хос мактаб яратган, Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва яратган асарлар нафақат ўзбек балки қардош халқлар адабиётшунослигида ҳам кўплаб тадқиқотлар яратилаётганлиги айтиб ўтилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ҚУТЛАЙМИЗ

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими жамоаси мураббий, меҳнат фахрийси, узок йиллар “Нуроний” жамғармаси Миробод туман бўлими раиси сифатида фаолият кўрсатган Ботир Усмонович Усмоновни қутлуғ 80 ёшга тўлиши муносабати билан чин қалбдан саниминий муборакбод этади.

Ботир Усмонов 1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўқитувчилик касбига бўлган қучли ҳавас уни Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирда педагогика университети) сари етказди. 1965 йилда мазкур олийгоҳни муваффақиятли тамомлаб, кимё-биология фанлари ўқитувчиси мутахассислигини эгаллади. Узок йиллар пойтахтдаги 4-, 192-, 95-умумтаълим мактабларида ёш авлодга кимё, биология фанларидан дарс берди. Республика ўқув методика таълим марказида катта методист, Тошкент вилояти, Зангиота тумани халқ таълими бўлимида катта назоратчи, Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ўқитувчи бўлиб ишлади. 2000 йилдан 2017 йилгача “Нуроний” жамғармаси Миробод туман бўлими раиси сифатида фаолият юритди. Қаерда ишлаган, ўзининг билими, тажрибаси, жонқурлиги, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги билан жамоада ҳурмат қозонди. Унинг бу хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. Ботир Усмонов 2015 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Ҳозирда фарзандлари, нева-чеваларини ардоғида кексалик гаштини сураётган Ботир отага узок умр, сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт тилаймиз.

“Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар Кенгаши

Спорт

ЁШ АТЛЕТЛАР БАҲСЛАШДИ

Пойтахтимизда ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати тарбияланувчилари ўртасида енгил атлетика бўйича "Олимпия чўққилари" спорт мусобақаси ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси ва мамлакатимиз енгил атлетика федерацияси томонидан ташкил этилган турнирнинг тўсиқлар оша югуриш баҳсларида Мехрангиз Эрназарова ҳамда Эргаш Нормуродов барча рақибларидан устун келди.

турли масофага югуриш баҳсларида Виктория Левина, Ирина Левина, Ангелина Гостюхина, Ҳабиб Соҳибназаров, Шохруҳ Баратов, Тимур Усмонов марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди.

Босқон, найза, ядро ва диск улоқтириш баҳсларида Дарья Кашинова, Мухайё Қорабоева, Инесса Молчанова, Дилафрўз Парниева қизлар ўртасида тенгсиз, деб топилган



"HARLEM GLOBETROTTERS" БАСКЕТБОЛЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА

Мирзо Улуғбек туманидаги 211-умумтаълим мактабига "Harlem Globetrotters" баскетбол жамоаси ташриф буюрди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ташриф доирасида ёшлар ўртасида баскетбол бўйича ўқув ўйинлари ҳамда мактабларда буллингга (зўравонликка) қарши "Т.Е.А.М, Up at School" дастури асосида маҳорат дарси ва семинар-тренинглар ўтказилиши белгиланган.

га ташриф буюриб, Гиннес рекордини янгилайди.

Маълумотларга кўра, "Harlem Globetrotters" яши ният элчилари сифатида 1950 йилдан буён АҚШ давлат департаменти билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айни пайтда "Harlem Globetrotters" Американинг ноёб баскетбол жамоаси бўлиши билан бир қаторда миллионлаб одамларни баскетболга ошно этиб, олти китъада ўзаро дўстлик ва бир-бирини тушуниш туйғуларини мустақамлашга ҳисса қўшмоқда. 2003 йилдан буён давлат департаментининг таълим ва маданият масалалари бюроси "Спорт элчилари" дастури доирасида 250 нафар америкалик спортчиларни 85 дан ортиқ мамлакатга юборди.

Баскетболчиларнинг Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларида бўлиши ҳам режалаштирилган.

Ж.ТОШХҲАЕВ

(ЎЗА)

ОФК СЕМИНАРИГА ЎЗБЕКИСТОН МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ

Шаҳримиз ОФК ҳамда ЎФА ҳамкорлигида уюштирилган "Клубларни лицензиялаш жараёнида молиявий мезонлар" мавзусидаги амалий семинарга мезбонлик қилди.

Суперлига ҳамда А Про-лига клублари вакиллари, хусусан, клубларнинг молиявий соҳасига жавоб берувчи ходимлари иштирок этган семинарни ОФКнинг клубларни лицензиялаш бўйича менежери Ави Гупта бошқарди.

Унда ОФК вакиллари клубларнинг лицензиядан ўтиш жараёнида молиявий ҳужжатларни тўғри йўлга қўйилгани ҳамда клубда молиявий ишлар тизимли тарзда олиб борилиши муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди. Семинарда клуб молия тизимида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, ушбу соҳада илгор мамлакатлар тажрибаларини йўлга қўйиш, бунда ОФКнинг асо-

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Қилмиш – қидирмиш

РЕЖАСИ АМАЛГА ОШМАДИ

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига амал қилиш барча ҳайдовчиларнинг бурчи ҳисобланади. Лекин ҳаммани ҳам қондаларга амал қилади, дея олмаймиз. Баъзида қондани бузиб, жаримани тўламайдиганлар ҳам топилади. Қонун барчага баробар эканлигини унутмаслик лозимлигини таъкидлаш жоиз.

Фуқаро А.И. хавфсизлик камарини тақмаганлиги учун йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига тўланаши керак бўлган 34.000 сўм миқдордаги жаримани ўз вақтида тўламаган. Мажбурий ижро бюросининг иш юритувига келган ҳужжат бўйича жарима А.И. томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги маълум бўлди.

Уддабурон фуқаро А.А. эса А.И.ни ишончига кириб, унинг масаласини ҳал қилиб бераман дейди. А.А. 34.000 сўм миқдоридagi жарима ва жаримага қўшимча ҳисобланган "пеня"ни йўқ қилиб бериш ва маълумотлар базасидан бу қардорликни умуман ўчиртириб юборишни Бюро ходимлари орқали ҳал қилиб бераман, деб алдайди. Бунинг эвазига 1.100.00 сўм миқдоридagi пулни фуқаро А.И.дан олган вақтида Бюронинг Юнусобод туман бўлими ҳамда Департаментнинг Юнусобод туман бўлими ходимлари билан ҳамкорликда "Мега Планет" савдо мажмуаси олдида ўтказилган тезкор тадбирда ушланган.

Фуқаро А.А.га нисбатан ЖКнинг 28.211-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мўмай даромад топаман, деб бировларнинг ишончига кириб иш тутаётганлар ораимизда учраб турибди. Улар фарибгарлик йўли билан оз фурсатда бойишни хошлашади. Лекин бундай ҳаракатлар охир-оқибат фош бўлишини ўйлашмайди. Шундай экан, қилмиш – қидирмиш эканлигини унутмаслик лозим.

Ақмалжон МИРЗАКАРИМОВ, Мажбурий ижро бюросининг Юнусобод туман бўлими бошлиғи

Ўқинг, бу қизик

ЯНГИ ТУРДАГИ ЎСИМЛИКЛАР ФОЙДАЛИМИ?

Табиятда кенг тарқалган вирусларни бегона генларни ташувчи шприцга ўхшатиш мумкин. Улар ҳужайрага яқинлашиб, ўз генетик ашёсини худди укол қилгандек юборади.

Бегона генни қабул қилган ҳужайра касалланиб, тузалиши ёки ҳалок бўлиши мумкин. Айрим ҳолатларда вирус гени ҳужайра геномига мустақам жойлашиб, унинг компонентига айланиб, ўзига ўхшаш вирусларни синтезловчи маконга айлантиради. Шундай қилиб, вирусларга тадқиқотчи хоҳлаган генни жойлаб, у туфайли ҳужайра геномига ўтказиш мумкин. Демак, вируслар бегона генларни тирик ҳужайрага трансдукция қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бегона генларни сунъий йўл билан бактерия ва ҳайвонларнинг ҳужайраларига юборишнинг бир неча усуллари мавжуд. Масалан, саратон касаллиги билан касалланган одам шишидаги ДНКси ажратилиб, сичқондан ажратилган ҳужайраларга лаборатория шароитида юборилганда геноми ўзгариб, трансформацияга учраган ҳужайралар пайдо бўлган. Айнан шу саратон касаллигини тарқатувчи ҳужайралар сичқонга юборилганда, уларда саратонга хос иш пайдо бўлган.

Охириги йилларда Америка ва Европадаги айрим фирма ходимлари трансгени (бегона генли) ҳайвон ва ўсимликларни яратмоқдалар.

Паразит, зарарли замбуруғлар туфайли касаллик тарқатувчи организмларга қарши, турғун иммунитет тизими юқори бўлган трансгени ўсимлик навлари етиштирилмоқда. Бактериялардан ҳашаротларга қарши синтезланувчи оксил гени ажратилиб, нўхат геномига киритилганда унда ҳашаротларга қарши синтезланган оксил ҳосил қилувчи янги нав етиштирилди. Бу ҳашаротлар мазкур ўсимликнинг илдиз, поя ёки баргини кемирса, ўша дақиқаларда ҳалок бўлади.

Бельгиялик тадқиқотчилар Европа бозорига ҳар

қандай гербицидларга чидамли карам нави билан кирмоқдалар. Экилган майдонга ҳар хил гербицид сепилса, ўсиб чиққан бегона ўтларнинг ҳаммаси ҳалок бўлиб, кўрсатилган карам нави эса бемалол ўсаверади. Айрим олимлар бундай навга қарши чиқиб, маълум вақтдан кейин мазкур карам навининг айнан ўзи Европада бегона ўтга айланади, у билан курашиш учун янги генинженерлик усуллари кидириш керак дейишмоқда.

Ҳужайранинг геномига генинженерлиги, биотехнология усуллари билан биологик, кимёвий ва физикавий таъсир қилишнинг ижобий томонлари билан бир қаторда салбий натижаларга сабабчи бўлиши мумкин. Инсоният генетик агентлар таъсирида кутилмаган, янги касалликлар пайдо бўлишига тайёр бўлиши керак.

Мақсадга мувофиқ яратилган янги зот, нав ёки генетик агентлар тадқиқотчиларнинг назоратидан тасодифан ёки атайин чиқиб, жамият учун офатга айланиши мумкин. Масалан, 1950 йилларнинг охирида олимлар ҳаётчан, касалга чидамли, боли кам бўлган Африка асалариси билан Жанубий Америкада нимжон, касалга чидамсиз, лекин маҳсулоти кўпроқ турларини ўзаро чапиштириши натижасида "одамхўр" асалари зоти дунёга келди. 1960 йилларда тасодифан фанга алоқаси йўқ одам бу ўта агрессив ҳосили жуда кам асалариларга "рахм" қилиб, ташқарига чиқариб юборди. Улар интенсив равишда кўпайиб, тезда Жанубий Америкадаги ерли асалариларни табиатдан сиқиб чиқарди. Ҳозир эса улар Шимолий Америка, Канадага етиб келди. Олимлар бу тасодифий асалари зотларидан қандай қилиб кутилиш йўллари бир неча йилдан бери изламоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2-Тошкент давлат тиббиёт институти томонидан 1992 йилда Тураходжаева Доно Гайратовна номига берилган бир йиллик интернатурани ўтганлиги ҳақидаги № 2244 рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ДОНО СЎЗ – ДИЛ ЗИЙНАТИ

Илм — инсон умрин безовчи инжу,
Амал унга жило беражак кўзгу.

Дўст бўлсанг — кўлга кўл, дилга дил бергин,
Йўллар ҳам, йиллар ҳам елкадош турсин.

Эй инсон, мавжудот аро сен суюк,
Буюклик ахтарма, ўзингсан буюк.

Фасллар алмашар навбатманавбат,
Умрингни ўлчайди аста бешафқат.

Осмонга етса ҳам бошинг мабодо,
Устозинг унутма, устоз — бебаҳо.

Юрагинг ҳамиша умидга тўлсин,
Йўл юрсанг нигоҳинг уфқда бўлсин.

Меҳнатсиз тоғ топсанг билмайсан сири,
Меҳнатла топилган бурда нон ширин.

Сўнги лаҳзаларда донишманд деди:
Ҳали қиладиган ишим кўп эди...

Комилликка етсам этардим жазм,
Энг аввал отамга қилардим таъзим.

Замонанг келдими — хуш бир қилиқ қил,
Ёмонлик қилганга ҳам яхшилиқ қил.

Яшамокнинг сира қолмас мазмуни,
Қалбимни муҳаббат тарк этган куни.

Йўл юриб чарчамас эдим бир нафас,
Яхши кун, йўл сенга олиб борса бас!

Осмонга тикилган тополмас неъмат,
Чумолига қара — билгани меҳнат.

Бахтни ўлчашга йўқ тарозу ва тош,
Бахтнинг нисбати жуда — нурафшон Кўёш!

Темур УБАЙДУЛЛО

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 3 май кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 22-24 даража илиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 3 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиш кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.